

## Бақара сураси, 244-оят

09:05 / 27.03.2018 3897

**Аллоҳнинг йўлида жанг қилинг. Ва билингки, албатта, Аллоҳ ўта эшитувчидир, ўта билувчидир.** *Бақара 244.*

Ушбу оятда мўмин бандаларга хитоб бўлмоқда:

**«Аллоҳнинг йўлида жанг қилинг».**

Бу сизга Аллоҳ таолонинг амридир. Аллоҳ таолонинг амрини бажариш эса сизнинг бурчингиздир.

**«Ва билингки, албатта, Аллоҳ ўта эшитувчидир, ўта билувчидир».**

У Зот барчанинг, жумладан, жиҳоддан қочганларнинг ҳам гап-сўзларини эшитиб, қилган ишларини кўриб туради.

Аллоҳнинг йўлида бўладиган жиҳод доимо сарф-харажатни, фидокорликни тақозо қилади.